

“ШУМ БОЛА” ҚИССАСИНИНГ АЙРИМ ЛЕКСОПРАГМАТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Н.Қозоқова

Аннотация

Мазкур мақолада “Шум бола” қиссасидаги прагматик семага эга айрим лексемалар, прагматик мазмунни юзага келтирувчи воситалар таҳлил қилинади.

Аннотация

В данной статье анализируются средства, которые создают выражения прагматической темы и прагматического значения.

Annotation

In this article the tools, making pragmatic meaning and pragmatic thematic are analyzed.

Таянч сўз ва иборалар: тил, синоним, семема, лексопрагматика, диалогик дискурс, прагматик мазмун, лексик воситалар.

Ключевые слова и выражения: язык, синоним, семема, лексопрагматика, диалогический дискурс, прагматическое значение, лексические средства.

Key words and expressions: language, synonyms, semema, dialogical discourse, pragmatical meaning, lexical tools.

XX аср ўзбек адабиётининг атоқли намояндаси, улкан сўз санъаткори Ғафур Ғулом ўз асарларида **лисоний ижодкорлик** [1.78] ни юксак даражага олиб чиққан адибдир. Ғафур Ғуломнинг биргина “Шум бола” қиссасининг ўзидаёқ она тилимизнинг прагматик имкониятлари тўлақонли намоён бўлган.

Маълумки, нутқ сўзлашдан асосий мақсад ахборот бериш эмас, бирор воқеа-ҳодисага муносабат билдириш, тингловчига нисбатан шахсий, ижобий ёки салбий фикрни ифодалашдан иборат бўлади. Тингловчи учун қаратилган субъект нутқига хос муносабат белгилари – нутқдаги барча бўёқлар яхлит тарзда прагматика деб номланади. Нутқдаги бундай муносабат белгиларини акс эттирувчи қатор воситалар мавжуд. Бундай воситалардан бири прагматик семага эга лексемалардир. Маълумки, семалар сўз семемаси таркибида тутган ўрнига кўра тилшуносликда мантиқан икки типга бўлинади: информатив сема, прагматик сема. Бу семалар энг юқори даражадаги семалар сифатида қайд этилади. Прагматик сема семеманинг фақат денотатга бўлган муносабатини билдирувчи узвидир [2.17]. Масалан: “Бу чойхонага бозор–ўчарга **санғиб** тушиб қолган деҳқон, камбағал косиб ва бошқа оддий фуқаро киролмас эди” [3.68]. **Санғимоқ** сўзи бекордан–бекор дайдиб юрмоқ маъносини ифодалаб, салбий

прагматик семага эга бўлиб, одатда, салбий маънога эга агенс билан синтактик алоқага киришиб, унга нисбатан салбий муносабатни бўрттириб ифодалайди. Бу ўринда салбий характерга эга бўлмаган **деҳқон, косиб** сўзлари ҳаракатини билдириб, Ғ.Ғуломнинг ва асар қаҳрамонининг тасвирланаётган ижтимоий–иқтисодий ҳаётга салбий муносабати акс этган.

Нутқ мураккаб ва яхлит жараён бўлиб, бир неча хил прагматик воситалар уйғун тарзда субъектив модалликни акс эттиради. Масалан: “Худди шу орага Йўлдош шилқим **суқилдию**, ишнинг пачавасини чиқарди” (10) Салбий муносабат лақаб, маъно кўчиши ва ибора орқали бўрттириб ифодаланмоқда. **Суқилмоқ** сўзи кўчма маънода безбетлик, хиралик билан “бирор жамоага кириб олмоқ” маъносини ифодалайди. **Шилқим** сўзи эса **сурбет, хира** маъносини ифодалайди. Синтагматик муносабат мазмунга асосланган. Фразеологизмлар ҳам ижобий ёки салбий ҳолатни, муносабатни бўрттириб кўрсатувчи асосий воситалардан бири. Нутқий вазиятдан келиб чиқиб ижобий ёки салбий муносабатни ифодаловчи луғавий ва грамматик воситалар тизим сифатида келиб, прагматик мазмунни юзага келтиради. **Пачава** сўзи ёмон сўзи билан синоним бўлиб, ўта даражада ёмон маъносини беради.

Н.Қозоқова – НамДУ катта илмий ходим-изланувчиси.

Қуйидаги диалогик дискурсда мулоқот иштирокчиларининг ўзаро муносабати, коммуникатив мавқеи яққол намоён бўлади: “Новча йигит иккинчи–учинчи оёқни ҳалиги иккита йигитга узатиб, сўрагандай Султоннинг кўзига қаради.

– Болаларни қўятур, домлага узат, – деди Султон.

– **Йўғе, йўғе, ўзларидан бўлаверсин. Биз** ичмаймиз. Яъни Худо каломида айтганки...

– **Калом - паломингни** йиғиштириб қўй, қачондан буён ичмайдиган бўлиб қолдинг? – деб **ўшқирди** Султон” (29). Домла нутқида модал сўз ва ундов қўшимчаси, икки феъл бирикиб, мен олмоши ўрнида биз олмоши қўлланиб,

журъатсизликни ифодаласа, Султон нутқида жуфт сўз, салбий прагматик семага эга **ўшқирмоқ** феъли ҳамда “азалдан ичиб келгансан” пресуппозицияси **беписандлик, менсимаслик, ҳукмронлик** мазмунини юзага чиқаради.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Ғафур Ғуломнинг “Шум бола” қиссасида субъектив баҳо ифодаловчи лексик воситалар фаол қўлланган бўлиб, бундай бирликлар асар тилининг ўзига хос жозибадорлигини, халқчиллигини, жонлилигини таъминлаган. Қиссанинг ўлмас санъат асари сифатида бугунги кунда ҳам аҳамиятини йўқотмагани айнан унинг лексопрагматик хусусиятлари билан ҳам боғлиқ.

Адабиётлар:

1. Сафаров Ш. Семантика. – Т.: ЎзМЭ, 2013.
2. Ҳақимов М. Ўзбек прагматингвистикаси асослари. – Т.: Академнашр, 2013.
3. Миртожиев М. Ўзбек тили семасиологияси. – Т., 1974.

(Тақризчи: С.Мўминов, филология фанлари доктори, профессор).